

БЕДОР ҲАМ

Муштақиллик бизни муштабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.

Ислон КАРИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА
62 КУН ҚОЛДИ!

- 1991 йил 31 АВГУСТ. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1 сентябр — Муштақиллик куни, деб белгиланди.
- 1991 йил 30 СЕНТЯБР. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VIII сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонунга конституциявийлик мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.
- 1991 йил 29 ДЕКАБР. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 30 июн жума
Сотувда эркин нархда № 125 (2422)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA OZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ва телекоммуникациялар тизими фаолияти ҳамда уни бошқариш самарадорлигини ошириш, соҳани замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий сармояларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. "Маҳаллий телеком" ва "Халқаро телеком" акциядорлик компаниялари, улар тарқибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акциядорларининг умумий йиғилишлари қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мўлки қўмитаси ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг "Маҳаллий телеком" ва "Халқаро телеком" акциядорлик компаниялари асосида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.
2. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб қўйилганлиги белгилансин: — маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро электролоқа, шу жумладан маълумотларни узатиш, шунингдек, телевидение ва радио дастурларини трансляция қилиш хизматларига бўлган талабни қондириш, улар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш; — алоқа воситалари ва тармоқларини замонавийлаштириш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш, телекоммуникация тизимларини тузиш ва фаолият кўрсатиш соҳасидаги жажон ютуқларини жорий этиш асосида;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 июн.



Уммонга қўйилгай азим дарёлар


АНДИЖОННИНГ
АЛП ОДИМЛАРИ

ДЕБОЧА

Улуғ Амир Темури ўзи барпо этган давлатнинг буюклик сарчашмаларига ишора қилиб, шундай деган эди: «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган биноларни кўринг».

Андижонликлар — бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиги билан киришадиган, қўзаган ниятига эришмагунча тиним билмайдиган халқ.

Ислон КАРИМОВ.



Билан яшаб, эртанги ёруғ кунлар учун молу давлатини, керагида азиз жонини ҳам аямангилгини кўрасиз. Жаннатмакон Бобур Мирзо жаҳонат кучли келганида халқнинг осойишини ўйлаб, унинг матонатига ишониб, ақл-идрок билан иш тутди: «Четга чиқди. Ва, ўзининг бетакорор ишлари билан яна дунёни — замондошларига келгуси авлодларни лол қолдирди. Бугун Андижонда бўлсангиз, Боғи Бобурни айланб, қилаётганлигини кўрдик. Бугунги Андижон — мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган чўқур ва кўламли иқтисодий-иқтисодий ислохотлар йўли тўғрисидаги экиннинг яққол кўриш мумкин бўлган ўлка. Ҳа, озоқлик ва мустақиллик Ўзбекистон аталмиш она дёвиримизга нималар бераётганлигини яққол кўрмақчи бўлсангиз, Андижонга боринг. Кўринг, кўратинг ва... хайратга тушинг.

Тақдимот
"МУСТАҚИЛЛИК
МАЙДОНИ"

Киночилар ўйда "Муштақиллик майдони" ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Юртимиз истиқлолнинг тўққиз йиллик байрамига ўзига хос тўхфа бўлган ушбу фильмда муштақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳномалигида юртилаётган одилона сиёсат, мамлакатимиз раванки йўлидаги азгу сай-ҳаракатлар, республикамиз қисқа вақт ичинда барча соҳада қўлга киритган ютуқлар ҳақида хикоя қилинади. Фильмда, шунингдек, 1999 йилнинг 16 февралда юрт мустақиллиги, халқ осойишталигига пугур етказишдек шум ниятда содир этилган қонли воқеалар тафсилоти орқали динни никоҳ қилиб олган террорчиларнинг асл киефаси ҳам фож қилинган. Сценарий муаллифи ва режиссёр Шухрат Маҳмудовнинг ушбу фильми томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

"Ғалла — 2000"
ҒАРҒОНДА БИРИНЧИ

Олтириқ тумани ғаллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш шартнома режасини бажардилар. Давлат омондорларга режадан 1200 тонна кўп, салкам 21 минг тонна сара дон етказиб берилди. Туман бўйича ҳосилдорлик 40 центнерга ташкил этган бўлса, Охунбобоев номили, «Янгиобод», Кенжабобоев номили ширкат хўжалиқларида бу кўрсаткич 44-50 центнерга етди. Одилов Кўшқов, Мавлуда Дадақўзиёва, Хусанбой Тожиқов, Утқаман Кориев сингари ижарачилар эса гектар ҳисобига 60 центнердан хирмон уйдилар. Айни кунларда ҳосилдан бўшган ерлар ҳайдалиб, тақририй экинлар экилмоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



• Вилотида юздан ортиқ милаат ва элатларнинг фарзандлари яшамоқда. Аҳолиси — 2 миллион 200 миңга яқин.

Мамлакатимиздаги ўсиш, ўзгаришлар ҳаётимиз мазмунига айланмоқда. Демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги ҳар жаҳада аниқ кўриниб турибди. Мустақиллик қўшиқ дилларимизни мунавар этиб, эланимизни янада тараққот аниқлашга даъват этмоқда. Худди шу даврда ҳокимият вакиллари органларнинг роли ва уларнинг қандай ҳаётдаги маъкеи қандай бўлмоғи керак?

Уни вилот ҳрамаи Ф. Дилов



• Минг тонна ғалла етказиб берди, ўртача ҳосилдорлик 70 центнерга түғри келди.

РАКАМЛАР ЖОЗИБАСИ
Мамлакатимиздаги ўсиш, ўзгаришлар ҳаётимиз мазмунига айланмоқда. Демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги ҳар жаҳада аниқ кўриниб турибди. Мустақиллик қўшиқ дилларимизни мунавар этиб, эланимизни янада тараққот аниқлашга даъват этмоқда. Худди шу даврда ҳокимият вакиллари органларнинг роли ва уларнинг қандай ҳаётдаги маъкеи қандай бўлмоғи керак?

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАСЪУЛЛИК
АМАЛИЙ ИШЛАРДА КЎРИНАДИ

бошқариш. Семинар-кенгашда маҳаллий ҳокимият вакиллари органларининг шу кундаги асосий вазифалари ҳақида сўз борди, халқ депутатлари вилот, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди, бир неча доимий комиссиялар ишдан мисоллар келтирилди. Фидойи, ўз сайловчилари ишончага муносиб ҳолда фаолият доирасини кенгайтириб бораётган, қундалик жараянда ўрни ва маъкеида эга бўлган депутатлар, уларни бирлаштирган блоklar иши ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

амалда ўз ифодасини топмапти. Улар ҳақида қичишар қилиш, кенгашлар, доимий комиссиялар фаолиятини чуқурроқ ўрганишда оммавий ахборот воситалари зиммасидаги масъулият нечоғлик кенг эканлиги ҳар бир сўзловчи фикрида ўз ифодасини топди. Шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, ташкилий ва кадрлар билан ишлаш тўғрисида раҳбарлари, доимий комиссиялар раислари, вилот, туман газеталари муҳаррирлари, фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари ишторжада бўлиб ўтган семинар-кенгаш келгусида ҳокимият вакиллари органларининг ролини оширишга, тўб ислохотлар жараёнини чуқурлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатиши аниқ.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ
Биржадан ташқари валюта
бозорини янада ривожлантириш
ва муштақамлаш
чора-тадбирлари тўғрисида

Ички биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва муштақамлаш таъминлаш, хорижий валюта тушуми манбалари ва микдорини кенгайтириш ҳамда валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2000 йил 1 июлдан бошлаб биржадан ташқари валюта бозорини хорижий валютани сотиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин, ушбу механизм: — ваколатли банкларнинг ўз мижозларидан бўш валюта маблағларини шартнома асосида хорижий валютага бўлган талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича харид қилишини; — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг лицензияларига эга бўлган корхоналарга импорт истеъмол товарларини сотишдан олинган сўмдаги тушумини хорижий валютага бўлган талаб ва тақлиф асосида шаклландирилган эркин курс бўйича конвертация қилишни назарда тутди.
2. Қуйидагилар тасдиқлансин: — Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумини мажбурий сотиш тартиби; — Биржадан ташқари валюта бозорини операцияларни амалга ошириш тўғрисида вақтинчалик низоми; — Белгилансинки, ички валюта бозорини рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб қамидга 6 ой мобайнида ўз фаолиятини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар хорижий валютани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар; — хорижий валюта фақат ўз маблағлари ҳисобига миллий валютада сотиб олиниши мумкин; — ваколатли банклар ўз мижозларига хорижий валютадаги ўз маблағларини ва сотиб олинган маблағларни ҳисобга олиш учун алоҳида валюта ҳисоб рақамлари очадилар; — ваколатли банклар томонидан мижозларнинг буюртмалари бўйича сотиб олинган, 7 иш куни мобайнида фойдаланилмаган хорижий валюта сўзасиз қайтариб олиниши керак. Марказий банк мулкчилик шаклларида, хорижий валютани сотиб олиш мақсадлари ва манбаларидан қатъи назар, мазкур талдан ваколатли банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин.
4. Белгилансинки, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қуйидаги талаблар бажарилиши мажбурийдир: — импорт контрактлари бўйича қайта қайтарилган 15 фоиздан ортиқ бўлмаган, бирок 100 000 АКШ долларга тенг бўлган маблағдан қўп бўлмаган доирада Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкнинг импорт қилувчи корхонасига банкнинг муқобил банк қалати мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағдан ортиқ бўлган аванс тўловларни қўп бўлмаган доирада импорт операциялари механизмининг ва уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга доир тақлифларни киритилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат соҳна қўмитаси, Давлат маънафатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига биржа ва ярмарка савдолари орқали миллий валютада амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари механизмининг ва уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга доир тақлифларни киритилсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат соҳна қўмитаси, Давлат соҳна қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда бир ой мuddатда: — амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилсин; — идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминлансин.
9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиши Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 июн.



АНДИЖОННИНГ АЛП ОДИМЛАРИ

БЎЗ БОЛАЛАР ШИЖОАТИ

Ким ўйлабди дейсиз, Истиклолнинг эмин-эркин шаббодасида илгини тўқлаган, билги кунга, бели гайратга тўлган бола-кай бор-йўги тўқиз йилда Ер юзининг ман-ман деган курашчисини, пахлаводини доғда қолдиради деб?

Ким ўйлабди, эскирган қишлоқ кўчаларини тўлдирган, мактаб уйингошларини бошига кўтарган ўша қоракўз, тортиноқ, бироқ ў-ола бола-кайлар бир кун келиб спорт олами юлдузларини Андижон деганда, Ўзбекистон номи тилга олинганда хушёр тортидан қилиб қўяди деб?

Ким ўйлабди, Ўзбекистон бўз боласи — бокс бўйича жаҳон чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев, Уткир Хайдаров, жаҳон чемпиони финалчиси Тўлқин Турғунов, Осиё чемпиони Руслан Комилов, Осиё мергани Алёна Аксёнова ва бошқаларни бугун қурраи замин олишлари, уларнинг кун-куватига, гидрокига, сабр-метонатига, жўрўш шикоятига тан беради деб?

Мустикалик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор кўчди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий, барча шарт-шароитга эга бўлган ўйингошлар тикланди ва уларнинг моддий базаси мустаҳкамланди.

Андижон ҳам бундан беистисно. Қишин-ёзин ямшиш «либос» кийган «Наврў» ўйингоши нафакат Андижон шаҳри, балки вилоятдаги барча спорт муҳлисларининг сезими томошагоҳига айланди. Катта теннис корти энг нуфузли халқаро беллашувлар ўтказиладиган масканлардан бири бўлиб қолди. Спорт-



нинг волейбол, футбол, стол теннис, баскетбол, миллий кураш, каратэ, шахмат-шашка сингари ўнлаб турлари эндиликда олис-олис қишлоқ ёшлари ўртасида ҳам омавийлашиб кетди. Пахтаобод шашкачилари, из-босқонлик теннис усталари, олимпиклик курашчилар, шахрихонлик чарм тўп усталарини бугун ким танимайди дейсиз? Улар учун қуриб берилган спорт қосоналари шаҳар ва қишлоқлар курагига кўрк қўймоқда.

Тўқиз йилдирки, Андижон ўзининг қучли спортчилари, айниқса кун устида хоккейчилари билан гурурланиб келмоқда. Аммо ҳеч қачон Олимпияда ўйинларида иштирок этиш учун Андижондан бу галгичалик кўп спортчи даъвогар бўлиб чиқмаган эди. Бирварақайига савқиз шункорнинг бўлғуси Олимпия ўйинларида мамлакат спорти шарафини ҳимоя

қилиши мўъжиза эмасми, ахир!

Юртбошимиз Ислам Каримов Андижонда бўлганларида кенг жамоатчилик вакиллари олдида машҳур боксчилар Мухаммадқодир билан Уткирбекни даст кўтариб бағрларига босганлари хануз кўз олдимизда.

Ушунда гуруру ва ифтихор туйғуларига тўлган, ҳажон оғушида қолган ҳамюртларимизнинг кўзларида севинч ёшлари қалқиган эди.

Мамлакат раҳбарининг оталарча эътибори, ғам-хўрлиги бўз болалар бахти эмасми!

қаймиз, деб аҳд қилган. Шундайки, Тўртқўл қишлоғида катта йўл хошияси тошу шағалдан тозаланиб гултожхўрозу бошқа етмиш хил гулларга эзилган. Кечқурун қишлоқ кўчаларига, номозшоғул чўйдек товланиб, вужудингизга тавлик бағишлайди. Андижондан Асакага тушасиз, ундан Мархаматга ўтасиз. Хоҳ Балиқчинни, хоҳ Бўзни айлангиз. Далалар туси узгаради. Уйларнинг қурилиш тарихида муайян фарқларни кузатасиз. Йўл четларида дарахлар турлича. Лекин бир манзара ўзгармайди: қаерда бўлмагиз, йўллар чети — гулзор. Мархаматга бораётиб, йўл чеккасида бошланган кенг галлароза кўзимиз тушди. Галла ўриб-йиғиб олинган. Далани аллақачон шудгорлаб ҳам улгуриштипти. Трактор дала четигача бир текис айланган. Лекин йўл чеккасидаги қийғос очилиб турган гуллар сафи бирор жойда «бузилмаган». Уларнинг ёнгинасида машинани бошқариб ўтган тракторчи йигитнинг заргарона меҳнатига тасанно деди. Ва, эсладик: ҳа, бир йилга бутун болғиш билан қиришган андижонликлар урдаламайдиган иш йўқ.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ,
(суратлар)
«Жалқ сўзи» нинг махсус муҳбирлари.

Қишлоқ инфратўзимини ривожлантириш дастури асосида 5,9 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилади.

Сўнгги йилларда вилоятда 60 миң ўқучига мўлжалланган мактаб, 19 миңга ақин ўқучи ўқийдиган 3 та академик лицей ва 28 та коллеж қуриб топширилади.

Қишлоқларда ҳаммаси бўлиб 1370 ўринга эга шиφοхоналар, 4330 ўринли 75 та қишлоқ врачлик

пункти, бир йилда 6,2 миң беморни қабул қила олувчи амбулатория-поликлиника муассасалари очилди.

Мустикалик йилларида қишлоқларда 4177 километрли табиий газ, 922 километрли ичимлик суви тармоқлари барпо этилди.

Савдо ва пулак хизмат ҳажми ўсди. Чакана савдода мол айланishi 7 баробар, пулак хизмат 9 баробар кўпайди. Жон бошига савдо ва пулак хизмат тегишли равишда 6,5 ва 9 марта кўпайди.

Сизнинг хизматингизга:

- турли маршрутлар
- халқаро отандарлар бўйича хизматлар
- юк сақлашни таъминлаш
- замонавий юк терминали
- 3000 кв. метрдан ортиқ майдонли омборхоналар
- юқори малакали идора ходимлари
- авиа-ташишлар бўйича ҳар қандай консалтациялар
- юбориш ва қабул қилиш вақтида расмийлаштириш бўйича ёрдам

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Тошкент» аэропортида бош юк вакили — «Интеркаргеосервис» КК СИ МДХ ва узок хориж давлатларига бўлган мунтазам пассажир ва чартер қатновларида юкларни қабул қилиш уларга ишлов бериш ва жўнатиш бўйича ўз хизматларини тақлиф қилади.

Биз авиа юк ташишга ҳаво йўллари орқали ташиш талабларига жавоб берадиган барча юк турларини, шу билан бир қаторда ҳар қандай турдаги ва ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан, хўл мева ва сабзавотларни қабул қиламиз.

РАКАМЛАР ЖОЗИБАСИ

маҳол. Аэропортдан бошлаб йўлни икки бети янашиб турган турфа гуллар бутун сафарингиз давомида ҳамроҳингиз бўлади. Сезиб турибмиз: бунга ҳам анжанчорек лоф дейдиганлар топилмайди. Аммо аслида ҳам вилоят ахли барча шаҳар ва қишлоқларни гулга бур-



Биз авиа юк ташишга ҳаво йўллари орқали ташиш талабларига жавоб берадиган барча юк турларини, шу билан бир қаторда ҳар қандай турдаги ва ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан, хўл мева ва сабзавотларни қабул қиламиз.

INTER CARGO SERVICE

ХАВО ЮКЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ТўЛА КАФОЛАТЛАНАДИ.

Телефонлар: 551268, 557421, «Тошкент» аэропортининг ички телефонлари 13-58, 13-21, 13-22

Премикслар уй ҳайвонларининг соғлигини, махсулдорлигини оширишга ва озуқаларни сезиларли даражада тежашга мўлжалланган.

ZOOMIX-A — премикси қорамол, от ва қўн-эчкиларга мўлжалланган. Премикс бузоқларда 20-25% га вази ортишини ва сигирларда 15-20% га сут кўпайишини таъминлайди.

ZOOMIX-B — паррандаларнинг премикси бройлер ҳўжаларида 60-80% га вази ортишини ва тухум кўнчи товуқларда тухумдорлик 20-25% га ошишини таъминлайди.

ZOOMIX-C — чўқаларнинг премикси 6-8 чўқаларда вази 30-35% га ортишини таъминлайди.

Ушбу махсулотларни фақат ишлаб чиқарувчида ёки дилерлардан гувоҳномаши талаб қилган ҳолада харид қилиш.

Махсулотларимизни сотиб олинг! Даромадингиз ошинига кафолат берамиз!

Ишлаб чиқарувчи: VETIL FARMA Ltd.
Манзил: Тошкент ш., А. Қодирий к., 7-уй, 514-хона.

Тел: 144-20-12, 144-20-13.
Факс: 144-16-94.

Сахармардонда туриб, кунчиқарга кўз тиксангиз, юзингизга ажиб бир мусаффо ҳаво келиб урилади. Чўқур-чўқур нафас олиб тўймайсиз. Бўстонликнинг хушбўй насимси бу!

Ўзбекистон Швейцарияси, «Тошкентнинг ўлкаси» ва ҳоказо дея таърифланувчи Бўстонлик жаннатмакон жой, Хизр назар қилган гўша! Бирини-бириндан сўлим қишлоқларнинг қоқ ўртасида яна бир қишлоқ борки, унинг таърифига сўз ожиз. Не-не тарихий воқеаларнинг тилсиз шоҳиди бўлган, бир пайлар ўз номи билан «кент» сифатида доврақ қозонган Ҳўжакең қишлоғи бу! Боғистон қишлоғида таваллуд топган Ҳўжа Ахрори Валининг палақлари, табиийки, айни шу қишлоқ билан боғлиқдир.

Шимолий вокзалга чиқиб, электриккага ўтирасиз-да, сўнгги бекат — «Хўжакең»-да тушасиз. Шундоқина кўз ўнгингизда гўзал бир замонавий бино — сўлим оромгоҳ қад ростлаб турган бўладики, бу оромгоҳ ҳам «Хўжакең» деб аталади.

Мазкур оромгоҳда кўнгилдагидек хордик чиқариб, яхши дам олишингиз учун яхши муолажа, тансиқ таом, дилкаш давра, оромжон сафар-сабаҳатлар, қўйинки, нимаики зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишга астойдил интилуви ходимлару ходималар ишлашади. Жамоани кўп йиллардан буён бошқариб келаётган Абдуғани Халиловнинг фалоятига ҳавас қилса арзийди.

Модомики одам боласи мавжуд экан, маданият хордик ҳам керак, албатта. Маданий хордиқнинг энг дилкаш



Соҳиба ИРИСХЎЖАЕВА.

тури эса бадий ҳаваскорликдир. Одам боласи табиатнинг ҳавасманд-орзумандидир. Орзу-ҳавасли дунё-да бу! Кимдир рақс тушишни яхши кўради, кимдир ўзича хиргойи қилишни хуш кўради, кимдир шеър ўқилганида дилдилади янраб кетади... Кундалик хизмат-у, муолажалар, мажбуриятлар-у заруриятлардан кейин, ёғуз ёз оқшомида тоғнинг саррин ҳавосидан сўлим-сўлим нафас олган кўйи сўлим бир гўшада дилкаш давра қуриб, хар ким ўзида бор ижро қобилиятини намойиш этишига нима етсин! Ҳар қандай гап-гаштақдан ҳам хузурбахшроқ гашт-да бу, тўғри эмасми?

ТОҒНИНГ САРРИН ҲАВОСИ

XX асрнинг сўнгги йилларига келиб ОИТС (Ортортилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллиги тобора фожиали тус олмоқда. МДХ давлатларида кейинги икки йил ичида бу касалликни оқтирганлар сонини қарор қилган бўлиб, бу тахликаси касалликнинг олдини олиш мақсадида турли амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кеча БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида мутахассислар ва журналистлар иштирокида бўлиб ўтган матбуот конференцияси ҳам айнан шу масалага бағишланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси давлат бош санитария врачси муовини, «ОИТС маркази» директори, профессор Мумтоз Ҳакимов, БМТнинг ОИТС касаллиги юзасидан Марказий Осиё бўйича мутахассис маслаҳатчиси Рудик Адамьянлар маъруза қилдилар.

ОИТСни даволадан кўра унинг олдини олиш мақсадида мувофиқроқ, Аксинча, сарфланган миллион-миллион сўм шамолга учиб кетади, — деди ўз маърузасида Р.Адамьян.

ОИТСнинг олдини олиш фақат шифокорларнинг иши эмас. Бунга бутун жамоатчилик масъул. Жамоатчилик фикрини жалб қилишда эса матбуот етакчи рол ўйнайди. Булиб ўтган бу конференция оммавий ахборот воситалари зиммасига янада масъулиятли вазифа юклайди. Матбуот конференцияси сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
«Жалқ сўзи» муҳбири.

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАРИ!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва узлуқсиз таълим тизмининг ҳамма боқчилари учун педагогик кадрлар тайёрламоқда.

Университет қабул комиссияси 2000 — 2001 ўқув йилида таълим тўналишларини кўйидаги:

математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, география, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда), рус тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда), чет тили (инглиз тили), туркий тиллар ва адабиётлар (қозоқ тили), шарқ тиллари ва адабиётлари (корей тили), касбий-педагогик тайёрларлик (соҳалар бўйича), чолгу ижрочилиги, амалий санъат, машинасозлик, сервис, чақирқиқча ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, музыка таълими ва эстетик тарбия, дефектология, педагогика ва психология, мактабгача ва оилавий таълим, касбий таълим (соҳалар бўйича) мутахассисликлари бўйича келажакда ўз тақдирини таълим ва тарбия касби билан боғлашга қарор қилган ёшларнинг ҳужжатларини қабул қилишга киришди.

Университет талабалари хоҳишларига кўра, асосий касбга қўшимча равишда, чет тили, компьютер техникаси, ҳуқуқий билим асослари ҳам ўргатилади.

Иқтидорли ёшлар учун махсус гуруҳ ўқишлари ташкил этилади. Уларга республика «Истеъдод» маркази, Улуғбек жамғармаси, республика ёшлари «Қамолот» жамғармаси хомийлик қилади. Илғор талабалар «Умид» жамғармаси талабларига мос махсус дастур асосида қўшимча ўқитилиб, танловларда қатнашиш ва голиб сифатида уларнинг чет элларда ўқишларини давом эттиришлари учун шaroит яратилади.

Ҳамма талабалар стипендия билан таъминланиб, улар талабалик уйлари, кутубхоналар, ўқув лабораториялари ва устахоналаридан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

АЗИС ЁШЛАРИ

Умид қиламизки, замонамизнинг пешқадам мутахассиси бўлиш учун Низомий номи Тошкент давлат педагогика университетида сизларга яратилган катта имкониятлардан фойдаланасиз ва бизнинг университетимизга ўз ҳужжатларингизни тез кунларда келтириб топширасиз.

Марҳамат қилинг, биз сизни кутмоқдамиз, Сизнинг давлат тест синовларида фаол қатнашиб, юқори курсаткичларга эришингиз тарафдоримиз ва биз ҳам бундан манфаатдоримиз.

Ректорат.

Бизнинг манзилгоҳ: 700100, Тошкент ш., Юсуф Ҳос Ҳожиб кў., 103-уй.
Низомий номи Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссияси

XXI асрга — СПИДСИЗ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кеңаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
Р. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 516,
22228 нухсуда босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қозғ бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Н. ТОШЕВ.
Мусахҳих — А. ЭШҚУЛОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 22.30

1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Юсуф Мукимбоевга ўқаси

Ҳасан МАВЛОНБЕРДИЕВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Швейцариянинг «Сведала Индустри АБ» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси ваколатхона раҳбарининг ўринбосари Жалолиддин МУСАЕВнинг бевақ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Трастқонсалтинг-Волд» шўба фирмаси жамоаси республика кўп тартиқли «Агротранс» биржа Фарғона филиали биржа савдолари бўлими бошлиғи Баҳром Абдурахмоновга волидаи муҳтарамаси

НИШОНБЎЙИ АВАЛИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ўрмон хўжалиги жамоаси ушбу ҳўжа-ликнинг халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш шеҳи бошлиғи Салим Тецаевга отаси Карим ТЕШАЕВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия билдиради.